# ИККИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 37 «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилингани муносабати билан:

1. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тасдиқлансин. Унда қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:

болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

«Соғлом она — соғлом бола» дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ҳамда маслаҳат ишларини кучайтириш;

тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборато-

рия ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш;

замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;

ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш;

иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг муҳим йўналиши, аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини шакллантириш асоси бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароит яратиш;

илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 9 декабрдаги 3329-фармойишига биноан тузилган Республика комиссиясига «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва унинг ижроси мониторингини амалга ошириш вазифаси юклансин.

3. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш.М. Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик, идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича ҳудудлар ҳамда тар-

моқларга оид «Баркамол авлод йили» дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

мазкур Дастурнинг бўлимлари ва бандларини давлат ҳамда хўжалик бошқаруви республика органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида тўлиқ ва ўз вақтида бажариш ишларини мувофиқлаштирсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ҳар чорак якуни бўйича «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М. Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари раҳбарлигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш бўйича шахсий жавобгарлик юкласин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари:

аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини кенг тушунтириш;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида мунтазам ахборот бериб бориш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотларнинг Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича қўшган амалий ҳиссасини ёритишни таъминласин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 27 январь,
ПҚ–1271-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 27 январдаги
ПҚ–1271-сон қарорига
ИЛОВА

# «Баркамол авлод йили» Давлат дастури

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш** | | | | | | |
| ***1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва киритиш:*** | | | | | | |
| 1. | Болалар, ўсмирлар ва ёшларни баркамол этиб вояга етказиш учун зарур ҳуқуқий шарт-ларни таъминлаш юзасидан норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклиф-ларни ишлаб чиқиш мақсадида амалдаги нор-матив-ҳуқуқий базани инвентаризация қилиш. | 2010 йил 1 майгача | Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎМКҲТ Маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати | — | — | Таклифлар туркуми.<br>Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалдаги ҳужжатларга ўзгар-тириш ва қўшимчалар бўйича таклифлар киритиш. |
| 2. | Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголли ичимликлар ва тамаки тарқатилиши ҳамда 20 ёшга тўлмаган шахслар томонидан алкоголь истеъмол қилиш ва тамаки чекишни чеклаш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш. | 2010 йил III чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИХ, бошқа вазирликлар ва идоралар | — | — | Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси алкоголли ичимликлар ва тамакининг фуқа-ролар, энг аввало 20 ёшга тўлмаган шахс-ларнинг соғлиғига зарарли таъсирини пасай-тириш мақсадида тамаки чекиш ва алкоголь истеъмол қилишни чеклашга йўналтирилган. Жумладан, лойиҳада:<br>соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ташкилотларида, таълим муассасалари ҳудуд-лари ва биноларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар сотиш;<br>20 ёшга тўлмаган шахсларни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, тамаки маҳ-сулотларини чекишга жалб этиш;<br>махсус ажратилган жойлардан ташқари, давлат муассасалари ва органларида, жамоат жойларида, аэропортлар, вокзалларда, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида, иш жой-ларида тамаки чекиш тақиқланади. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 3. | «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (янги таҳрирда тасдиқлаш). | 2010 йил III чорак | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Форум жамғармаси, Адлия вазирлиги | — | — | Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси қуйидагиларга йўналтирилган:<br>жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ислоҳ қилиш, мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва спортининг самарали инфратузилмасини яратиш;<br>замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда юксак маҳоратли спортчиларни ва спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва янгича ёндашув;<br>спорт турларини, айниқса олимпия турларини янада ривожлантириш, Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақалар ва ўйинларда муносиб қатнашишини таъминлаш. |
| 4. | Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш. | 2010 йил II чорак | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги | — | — | Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси.<br>Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона фаолиятини янада такомиллаштириш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган принципиал жиҳатдан янги ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш. Қонун лойиҳаси қуйидагиларга йўналтирилади:<br>ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона фаолиятини ташкил этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш;<br>ахборот технологиялари базасида китобхонларга, биринчи навбатда ўқувчилар ва талабаларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ривожлантириш;<br>электрон каталоглар, библиографик маълумотлар базаларини тузиш, мамлакатнинг йиғма электрон кутубхона каталогини яратиш. |
| 5. | «Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш. | 2010 йил I чорак | Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, | — | — | Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси қуйидагиларни назарда тутади:<br>вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш тизими органлари ва муассасаларини аниқ белгилаш, улар фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишлари;<br>алоҳида эътиборни талаб қилувчи вояга етмаганлар ва оилалар билан якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш асослари ва тартиби; |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИХ, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази | | | вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ва вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш тартиби ва асослари;<br>ижтимоий хавфли ҳолатдаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш тартиби. |
| 6. | «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида». | 2010 йил I чорак | Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Олий суд, МХХ, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси | — | — | Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қуйидагиларга йўналтирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутади:<br>олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг етимлардан бўлган битирувчиларини турар жой билан таъминлаш учун масъулиятни кучайтириш;<br>мактаб объектлари жойлашган жойларда алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари савдоси ташкил этилганлиги учун жавобгарлик ва назоратни кучайтириш;<br>гиёҳвандлик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар билан шуғулланадиган шахсларнинг, айниқса биринчи навбатда болалар ва ўсмирлар орасида маънавий негизларни бузаётган шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш . |
| 7. | Ўзбекистон Республикасининг «Рухсат берувчи тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2010 йил III чорак | Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, бошқа ваколатли вазирликлар ва идоралар | — | — | Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси.<br>Тадбиркорларнинг ваколатли давлат органларидан ҳар хил рухсатномалар олишида тартиб-таомилларни енгиллаштириш. У қуйидагиларни назарда тутади: очиқ-ошкора тартиб-қоидаларни ва давлат органларида тартиб-қоидалардан ўтишнинг аниқ муддатлари белгиланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатномаларни мақбуллаштириш ва уларнинг батафсил рўйхатини жорий этиш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ***1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш*** | | | | | |
| 8. | 2010 — 2015 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш Дастурини ишлаб чиқиш | 2010 йил I чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Адлия вазирлиги, вазирликлар ва идоралар | Харажат-лар Дастурни тузиш якунлари бўйича аниқланади | Бюджет маблағлари, олий ўқув юртларига эга бўлган вазир-лик ва идора-ларнинг, Олий таълим муас-сасаларининг маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.<br>Моддий-техника базани мустаҳкамлаш, замонавий ўқув ва лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш, таълим жараёни сифатини ошириш, талабаларнинг ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилаш. |
| 9. | Барча ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона муассасаларида электрон кутубхонани босқичма-босқич шакллантириш, республикада интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш | 2010 йил III чорак, 2010 — 2015 йил-ларда амалга ошириш | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, РАКМ, Ўзбекистон миллий кутубхонаси | Ҳисоб-китобларга мувофиқ | Бюджет, бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг электрон кутубхона тизимини босқичма-босқич шакллантириш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги қарори лойиҳаси.<br>Аҳолининг миллий ва халқаро ахборот-кутубхона ресурсларидан кенг фойдаланишини таъминлаш. |
| 10. | Республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳрида ишлаб турган халқ таълими мактабдан ташқари муассасалари ва клуб маданият муассасалари базасида замонавий ва зарур ускуналар билан жиҳозланган «Баркамол авлод маркази» ташкил этиш ва уни ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқиш. | 2010 йил II чорак, 2010 — 2015 йил-ларда амалга ошириш | Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Харажат-лар Дастурни тузиш якунлари бўйича аниқланади | Бюджет маблағлари, ФШО, ФРДС, ҳокимликлар ва ҳомийлар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини назарда тутадиган қарори лойиҳаси:<br>мактабдан ташқари техник ва гуманитар таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг замонавий моддий-техника базасини ривожлантириш ва шакллантириш;<br>болалар ва ёшларнинг техник ва аниқ фанларни, табиатшунослик ва ўлкашунослик асосларини қўшимча равишда ўрганиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;<br>болалар ва ёшларнинг маданий-оммавий тадбирлар ўтказиши ва дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш;<br>мактабдан ташқари таълим муассасаларини юқори профессионал педагог кадрлар ва мутахассислар билан бутлаш. |
| 11. | 2010 — 2015 йилларда ҳар бир маҳалла, даҳа ва микротуманда болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш. У қуйидагиларни назарда тутади: | 2010 йил III-чорак, 2010 — | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, | Дастурни тузиш якунлари бўйича | Маҳаллий бюджетлар ва ҳомийлар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.<br>Аҳолининг дам олиши, эстетик тарбияси ва соғломлаштирилиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш тадбирлари режаси. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | илгари ташкил этилган болалар майдончаларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, турар жой даҳалари ва маҳаллаларда рекреация зоналари ташкил этиш;<br>аҳоли пунктлари ва маҳаллаларда ташкил этилган болалар майдончаларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни ташкил этиш;<br>республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) бешта рағбатлантирувчи мукофот таъсис этган ҳолда «Энг яхши болалар майдончаси» танловини ўтказиш;<br>турар жой даҳаларидаги қурилиши тугалланган ҳудудларда ва Ҳудудларни ривожлантириш бош режаларида назарда тутилмаган ҳудудларда ҳар қандай объект қурилишини тақиқлайдиган нормани жорий этиш. | 2015 йилларда амалга ошириш. | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси | | | |
| 12. | Истироҳат боғларини замонавий аттракционлар билан жиҳозлаган ва аҳолининг, айниқса, болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг маданий дам олиши учун шарт-шароитлар яратган ҳолда босқичма-босқич реконструкция қилишни назарда тутадиган 2010 — 2015 йилларда маданият ва дам олиш истироҳат боғларини комплекс реконструкция қилиш Дастурини ишлаб чиқиш. | 2010 йил III-чорак, 2010 — 2015 йилларда амалга ошириш. | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитект-қурилиш» қўмитаси, корхоналар ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Харажатлар Дастурни тузиш якунлари бўйича аниқланади | Инвесторлар, ҳокимликлар ва ҳомийлар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.<br>Ҳар бир истироҳат боғи бўйича аттракционлар ва кўнгилочар ўйинларнинг жозибали ва самарали турларини ўрнатиш ва ташкил этишни назарда тутадиган техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш. |
| 13. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланиши учун шарт-шароитларни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси. | 2010 йил I чорак | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (ИТҚҚЖ) | — | — | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси қуйидагиларга йўналтирилган:<br>озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва сотишга нисбатан таълим муассасаларида қўйиладиган талабларни белгилаш;<br>соғлиқ учун зарарли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш билан боғлиқ касалликлар оммавий тарқалишининг ўз вақтида олдини олиш;<br>таълим муассасалари ўқувчиларининг соғлом овқатланиши кўникмаларини шакллантириш. |
| 14. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари:<br>«Мактабдан ташқари спорт муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»; | 2010 йил II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, | — | — | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг лойиҳалари қуйидагиларга йўналтирилган:<br>мактабдан ташқари спорт таълими муассасаларининг ҳуқуқий мақомини, ушбу муасса- |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | «Мактабдан ташқари спорт муассасалари-нинг устоз-ўқитувчилари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомил-лаштириш тўғрисида». | | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги | | | саларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, улар фаолиятини молия-лаштириш манбаларини белгилаш; сoғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича янги вазифалар ҳисобга олинган ҳолда юқори малакали устозлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш, ёш истиқболли кадрларни, айниқса қизлар орасидан ушбу ишга жалб қилиш. |
| **II. Оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш** | | | | | | |
| 15. | «Соғлом она — соғлом бола» дастурининг қуйидаги мақсадли вазифаларини амалга оширишни давом эттириш:<br>фертил ёшидаги аёлларни ва 14 ёшгача бўлган қиз болаларни 100 фоиз қамраб олган ҳолда чуқурлаштирилган комплекс тиббий кўрикларни ташкил этиш, кейинчалик зарурият бўлганда соғлиқни сақлаш муассасаларида соғломлаштирувчи тадбирлар ўтказиш;<br>мамлакатнинг барча минтақаларида соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича қизларга маслаҳатлар беришни ташкил этиш;<br>репродуктив саломатликни сақлаш ва соғлом оилани шакллантириш муаммолари бўйича ёшлар ва ёш оилалар орасида тушунтириш ишлари олиб бориш;<br>«Оилада саломатлик» марафонини, «Соғлом она — соғлом авлод» тадбирларини ташкил этиш. | 2010 йил мобайнида — махсус дастурлар ва алоҳида жадваллар бўйича | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Маҳалла» жамғармаси, ИТҚҚЖ, МТРК, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги | экв. 4286,2 минг АҚШ доллари | Бюджет ва ҳомийлар маблағлари | Мақсадли гуруҳларни қамраб олиш, оналар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғининг ҳолати мониторингини олиб бориш бўйича комплекс чора-тадбирлар.<br>Аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, ирсий ва туғма касалликлар, аёллар орасидаги касалликлар профилактикаси.<br>Соғлом турмуш тарзининг нуфузли қиёфа-сини шакллантириш мақсадида соғлом оила ташкил этиш, тиббий маданият масалаларида ёшларнинг саводхонлигини ўстириш ва масъулиятини ошириш.<br>Оилаларда тиббий маданиятни шакллан-тириш ва савиясини ошириш. |
| 16. | Қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан оналарнинг репродуктив саломат-лиги ва улар соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам сифатини ошириш:<br>диагностика ва даволашнинг клиник қўлланмалари ва стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш;<br>ирсий касалликларни аниқлаш бўйича диаг-ностик тадқиқотлар доирасини кенгайтирган ҳолда она ва боланинг перинатал ва неонатал скринингини янада давом эттириш; | 2010 йил | Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, ИТҚҚЖ ЮНФПА | экв. 300,0 минг доллар<br><br>950,0 минг доллар, | Ҳомийлар маблағлари<br><br>Грант маблағлари | Оналар ва чақалоқлар ўлимини, оналар ва болаларнинг касалликка чалинишини қисқар-тириш.<br>Туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш, болалар ногиронлигини камайтириш, соғлом ирсият ва соғлом авлодни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш.<br>Малакали шошилинч акушерлик ёрдами кўрсатиш бўйича акушер-гинекологларни ўқитиш; |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ОИВ-инфекциянинг онадан болага ўтишининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш;<br>соғлом оилани шакллантириш бўйича контрацептив воситалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва сифатли хизматлар кўрсатиш;<br>кечиктириб бўлмайдиган акушерлик ёрдами ва перинатал парвариш сифатини ошириш. | | | 800,0<br><br>экв. 4105,0 минг доллар | Бюджет маблағлари<br><br>Бюджет маблағлари | Бирламчи тиббий-санитария ёрдами даражасида жинсий йўл орқали ўтадиган инфекциялар ва ОИВ-инфекцияси диагностикаси ва профилактикаси интеграцияси бўйича дастурни ишлаб чиқиш. ОИВ инфекциясини юқтирган ҳомиладор аёлларни маслаҳат бериш дастурлари билан қамраб олиш.<br>Замонавий контрацептив воситалардан кенг фойдаланишни таъминлаш. |
| 17. | Қишлоқ жойларда яшайдиган ҳомиладор аёлларни таркибида шу жумладан фолели кислота мавжуд бўлган умумий мустаҳкамлайдиган поливитаминларнинг махсус комплекслари билан бепул таъминлашни жорий этиш (ҚВП врачининг тайинлаши бўйича). | 2010 — 2015 йиллар | «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги | 8000,0 (2010 йилда) | Бюджет маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йўл қўйилиши мумкин бўлган поливитаминлар комплекси рўйхатини, уларни харид қилиш ва ажратиш тартибини назарда тутадиган қарори.<br>Болаларнинг туғма нуқсонлар ва ривожланишда қолоқлик билан туғилиши профилактикаси ва унинг олдини олиш.<br>Ҳомиладор аёлларни соғломлаштириш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш. |
| 18. | Республика тиббиёт ва соғломлаштириш муассасалари учун бинолар қуриш ва реконструкция қилиш, жумладан:<br>Термиз, Чирчиқ ва Тошкент шаҳарларида вилоят туғруқхона комплексларини реконструкция қилиш;<br>Нукус, Андижон, Жиззах, Термиз, Гулистон ва Чирчиқ шаҳарларида вилоят болалар кўп ихтисосли тиббиёт марказларини реконструкция қилиш;<br>Тошкент шаҳрида гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтини ва вилоят қон қуйиш станцияларини реконструкция қилиш;<br>Тошкент шаҳридаги Республика перинатал марказида даволаш корпуси қуриш;<br>Тошкент ва Наманган шаҳарларида ихтисослаштирилган кардиожарроҳлик маркази учун биноларни реконструкция қилиш;<br>Нукус шаҳрида Республика болалар силга қарши санаторийсини реконструкция қилиш;<br>Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Чимён посёлкасида «Қуёшли» ёшлар соғломлаштириш комплексини қуриш. | 2010 йил<br><br>2010 йил<br><br>2010 йил<br><br>2010 йил<br><br>2010 йил<br><br>2010 йил<br><br>2010 йил<br><br>2010 йил IV чорак | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги | 82979,4 улардан:<br><br>4312,5<br><br>13385,0<br><br>6546,0<br><br>5000,0<br><br>11812,5<br><br>3360,5<br><br>2500,0 | Бюджет маблағлари<br><br>Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (КУФК) маблағлари | Аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиш.<br>Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилишни амалга ошириш ва реконструкция қилиш, объектларни фойдаланишга топшириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 19. | Даволаш-профилактика муассасаларини замонавий тиббий ва лаборатория ускуналари, мебель билан жиҳозлаш:<br>Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоят-ларида 94 та туғруқхона комплексини;<br>14 та ўсмирлар диспансерини (Қорақалпо-ғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда) флюорография аппаратлари билан;<br>Тошкент, Фарғона, Қарши, Нукус, Самар-қанд ва Бухоро шаҳарларининг 6 та минтақавий қон қуйиш марказини ва ДПМ ҳузуридаги касалхона қон банкларини;<br>74 та ҚВПни ва 2315 та ҚВПни қўшимча равишда жиҳозлаш;<br>туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги 140 та вилоят ва туман ахборот марказларини. | 2010 йил | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 4,39 млн доллар<br>1037,0<br>1,5 млн доллар<br>4,5 млн доллар<br>524,0 минг доллар | ОТБ лойиҳаси доирасида<br>Бюджет маблағлари<br>ОТБ лойиҳаси доирасида<br>МАР кредити<br>МАР ва ОТБ лойиҳалари доирасида | Контрактларни рўйхатга олиш, товарларни рўйхатдан ўтказиш ва сертификатлаш, ке-лаётган жиҳозларни етказиб бериш ва ўрнатиш.<br>Республика даволаш-профилактика муасса-саларининг моддий-техника базасини яхшилаш.<br>Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш. |
| 20. | Миллий эмлаш тақвимига мувофиқ бола-ларни бошқариладиган инфекцияларга (қизамиқ, полиомиелит, дифтерия, қоқшол, кўкйўтал, В гепатити, сил) қарши 100% иммунизация қи-лишни таъминлаш. | 2010 йил | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги | 4100,0 | Бюджет маблағлари | Миллий эмлаш тақвимига мувофиқ иммунизация жадваллари.<br>Болалар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва қисқартириш. |
| 21. | Қуйидагиларни:<br>1000 нафар болали ёш оналарни касаба уюшмалари тизими санаторийларида;<br>ишлайдиган ёшлардан бўлган 6000 кишини корхоналар, ташкилотлар ва ўқув юртлари санаторий-профилакторийлари базасида;<br>ёз даврида 245 минг болани болалар соғломлаштириш оромгоҳларида, шу жумладан 120 минг болани касаба уюшмалари ва хўжалик органлари маблағлари ҳисобига соғломлаш-тириш. | 2010 йил<br>2010 йил<br>2010 йил II-III чораклари | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 1449,6<br>585,0<br>12943,0 | Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши маблағлари<br>Корхоналар ва ташкилотлар, ўқув юртлари маблағлари, шунингдек аҳолининг ўз маблағлари, КУФК маб-лағлари, корхоналар ва ташкилотлар маблағлари | Имтиёзли йўлланмалар бериш.<br>Оналар, болалар, ёш оилалар, талабалар ва ёшлар соғлиғини мустаҳкамлаш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 22. | Қуйидаги йўллар билан тиббиёт ходимлари профессионал маҳоратини ошириш:<br>республиканинг 8 та минтақасида (Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари) 8000 нафар педиатр, акушер-гинеколог, неонатолог, умумий амалиёт врачлари, ўсмирлар хоналари врачлари, тиббиёт ҳамшираларини она ва бола соғлиғини сақлаш соҳасида замонавий технологияларга ўқитиш ва сертификатлаштириш;<br>она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги замонавий технологияларни тиббиёт олий ўқув юртлари, Тошкент республика врачлар малакасини ошириш институти ўқув дастурига киритиш. | 2010 йил | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ҳокимликлари | 1,9 млн доллар | ЮНИСЕФ, ЮНФПА, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маблағлари | Тиббиёт кадрларининг профессионал маҳоратини ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.<br>Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ўқув марказларининг салоҳиятини янада кучайтириш.<br>Оналар ва болалар касаллиги ва ўлимини камайтириш.<br>Фертил ёшидаги аёлларга, болалар, ўсмирлар ва ёшларга тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш. |
| 23. | Қуйидагиларга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси аҳолиси овқатланиши сифатини яхшилаш дастурини амалга оширишни давом эттириш:<br>аҳолининг мақсадли гуруҳлари орасида озиқ-овқат маҳсулотларини фортификация қилиш, тузни йодлаштириш, темир, фолий кислота ва А витамини саплементацияси бўйича мавжуд дастурлар амалга оширилишини кенгайтириш;<br>оилаларда овқатланиш маданияти тарғиботи бўйича ахборот-таълим ишларини амалга ошириш. | 2010-2011 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» АК, Туз ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, РЦСАД, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, ИТҚҚЖ, МТРК | 753,0 минг доллар<br>200,0 минг доллар | МАР кредити<br>Ҳомийлар, ЮНИСЕФ маблағлари, | Дастурни амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси.<br>Микронутриентлар етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва даражасини пасайтириш.<br>Оилаларда оқилона овқатланиш маданияти ва кўникмаларини шакллантириш. |
| **III. Таълим соҳасида моддий-техника базаси шакллантирилиши ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган мутахассисларни тайёрлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш** | | | | | | |
| 24. | Барча таълим муассасаларининг яратилган моддий-техника базаси сақланиши ва улардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган механизмни яратиш.<br>Таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ялпи инвентаризациядан ўтказиш натижалари бўйича уларнинг барчасининг паспортларини янгилаш. | Механизмни яратиш — 2010 йил II чорак, амалга ошириш — доимо | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ўқув юртлари мавжуд бўлган вазирликлар, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги | Харажатлар бюджетни шакллантиришда ҳар йили аниқлаштирилади | Бюджет маблағлари ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари | Қуйидагиларни назарда тутадиган идоралараро ҳужжат:<br>барча даражалардаги таълим муассасаларининг биноларига ва иншоотларига хизмат кўрсатиш нормативларини ишлаб чиққан ҳолда уларнинг моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш;<br>аҳолига пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатишни кўпайтириш учун барча даражалардаги таълим муассасаларининг мод- |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | дий-техника базасидан фойдаланишни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий асослар, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни таъминлаш;<br>сифатли ўқув жараёнини ҳамда болалар ва ёшларни тарбиялашни таъминлаш учун таълим объектлари, жиҳозлар ва инвентарь сақланиши ва улардан самарали фойдаланишни рағбатлан-тириш чора-тадбирлари. |
| 25. | Иқтисодиётнинг реал секторлари ва ижти-моий соҳада мутахассислар талаб қилинишига мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларини комплекс танқидий таҳлил қилиш ва инвентаризациядан ўтказиш ҳамда мана шу асосда:<br>ўрта махсус, касб-ҳунар таълими касблари ва мутахассисларини тайёрлаш йўналишларининг, шунингдек олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг такомиллаштирилган классификаторларини;<br>2010-2011 ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларига ўқувчилар (абитуриентлар) қабул қилиш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | 2010 йил II-чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ўқув юртлари мавжуд бўлган вазирликлар, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги | — | — | Вазирлар Маҳкамасининг:<br>Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими-нинг такомиллаштирилган классификаторлари-ни тасдиқлаш;<br>давлат таълим стандартлари, ўқув дастур-лари ва ўқув-методик адабиётларни такомил-лаштириш бўйича қарори лойиҳаси.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010/2011 ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларига қабул бўйича қарори лойиҳаси.<br>Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим олган мутахассислар тайёрлаш миқдори ва ихтисослашуви иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг истиқболдаги эҳтиёжи билан боғлиқ бўлишини таъминлаш. |
| 26. | 2010/2011 ўқув йили бошланишигача қуйи-дагиларни қуриб ишга тушириш ва рекон-струкция қилиш:<br>Наманган шаҳрида 9900 ўқувчи ўринли 14 та умумтаълим мактаби;<br>1350 ўқувчи ўринли 4 та академик лицей;<br>23240 ўқувчи ўринли 41 та касб-ҳунар коллежи; | 2010 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзавтосаноат» АК, «Ўзбек-нефтгаз» МХК, «Ўзмиллий-банк», «Ўзметкомбинат» АИБ | 11000,0 | Мактаб таълими жамғармаси маблағлари | Инвестиция дастури.<br>Умумтаълим мактаблари битирувчилари-нинг ўрта махсус таълим муассасалари билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш ва талабаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш. |
| | олдин ишга туширилган касб-ҳунар кол-лежлари ва академик лицейларга 12640 ўринли 99 та ётоқхона. | | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 202952,0 | Бюджет маблағлари ва бажарувчилар-нинг маблағлари | |
| | Касб-ҳунар коллежлари ва академик ли-цейларнинг 124 та ётоқхонасини мукаммал таъмирлаш. | 2010 йил III чорак | | 12000,0 | Бюджет маблағлари | |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 27. | 2010 йилда қуйидагиларни амалга ошириш: | 2010 йил | | | | Моддий-техника базани мустаҳкамлаш, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, таълим жараёни сифатини ошириш, талабаларнинг ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилаш. |
| | Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 3200 ўқувчи ўринли янги ўқув корпуси қурилишини туғаллаш ва жиҳозлаш; | | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даврахитектқурилиш» қўмитаси, ТДИУ | 900,0 | Бюджет маблағлари | |
| | Тошкент молия институтининг 3500 ўқувчи ўринли ўқув корпуслари биноларини реконструкция қилиш; | | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даврахитектқурилиш» қўмитаси, ТМИ | 1200,0<br>1500, 0 | Бюджет маблағлари, ТМИнинг ўз маблағлари | |
| | Термиз давлат университетининг 2300 ўқувчи ўринли янги ўқув корпусининг иккинчи навбатини қуриш; | | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даврахитектқурилиш» қўмитаси, ТермДУ | 916,1 | Бюджет маблағлари | |
| | Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали учун янги бино қуриш; | | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги | 3000,0 | Бажарувчиларнинг маблағлари | |
| | Қарши давлат университети ўқув корпуслари биноларини реконструкция қилиш; | | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даврахитектқурилиш» қўмитаси, ҚарДУ | 1500,0<br>1000,0 | Бюджет маблағлари, ҳомийлар маблағлари | |
| | олий ўқув юртларининг янгидан қурилаётган объектлари лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш. | | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ўқув юртлари мавжуд бўлган вазирликлар ва идоралар | 1000,0 | Бюджет маблағлари | |
| 28. | Янгиланган давлат таълим стандартларига ва махсус дастурларга мувофиқ:<br>умумтаълим мактаблари (491 номда);<br>академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари (345 номда);<br>олий таълим муассасалари (180 номда) учун янги авлод янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этиш. | 2010 йил | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Китоб жамғармаси | 53088,5 | Бюджет, Китоб жамғармаси, Олий ўқув юртларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, олий ўқув юртларининг ўз маблағлари | 2010 йилда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ўқиш тиллари бўйича нашр этиш ва қайта нашр этишнинг аниқ рўйхатини ва уларнинг тиражини белгилаш ва тасдиқлаш.<br>2010 йил учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш ва қайта нашр этиш бўйича тендер тадбирларни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тендер тадбирлари ўтказилишини ташкил қилиш.<br>Ўқув адабиётлари нашр этиш учун грант ва кредит маблағлари жалб этилишини ишлаб чиқиш. |
| 29. | Имкониятлари чекланган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш бўйича лойиҳани амалга ошириш. | 2010 йил, алоҳида жадвал бўйича | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини | 275,0 | ИТҚҚЖ ва бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма қарорлари.<br>Имкониятлари чекланган болалар таълими учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, ИТҚҚЖ, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази | | | кейинчалик ҳаётга интеграциялашуви учун шарт-шароитларни шакллантириш. |
| **IV. Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобига мамлакатимиз мактабларида касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш** | | | | | | |
| 30. | Узлуксиз таълим тизимида, шу жумладан мактабгача тарбия болалар муассасалари, мактаблар, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари (касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар), олий ўқув юртларида янги стандартларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2010 йил II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги | Харажатлар бюджетни шакллантиришда ҳар йили аниқлаштирилади | Бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар | Узлуксиз таълим тизимида ўқув-тарбия жараёни сифатини тубдан оширишга йўналтирилган янги стандартларни тасдиқловчи вазирликлар ва идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш |
| 66. | Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи фао-лиятни ривожлантириш:<br>«Келажак овози» минтақавий ёшлар ташаб-буслари марказлари ҳузурида Хорижий тил-ларни ўрганиш марказлари ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳ-камлаш, уларни лингафонлар ва бошқа махсус жиҳозлар билан таъминлаш;<br>республика илмий анжуманлари, конфе-ренциялар, танловлар ўтказиш;<br>рационализаторлик таклифлари, техник иш-ланмалар ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга ошириш бўйича махсус «Инновацион ғоялар маркази» ташкил этиш;<br>анжуманлар, блоглар ўтказиш ва онлайн ҳужжатларини қабул қилиш имкониятлари билан ёшлар учун фойдаланиш мумкин бўлган лойиҳалар, грантлар, танловлар ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлайдиган махсус Веб-портал таш-кил этиш;<br>«Келажак овози» минтақавий ёшлар ташаб-буслари маркази кутубхоналарини компью-терлар ва янги китоблар билан таъминлаш. | 2010 йил | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Фанлар академияси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Банклар уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 400,0, шу жумладан:<br>10,0<br>50,0<br>200,0<br>15,0<br>50,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ри-вожлантириш, ёшларнинг инновацион лойиҳа-ларни ва уларни турмушда рўёбга чиқаришни ўрганиши, шунингдек ёшларни иқтисодий билимлар соҳасида рационализаторлик так-лифлари, техник лойиҳалар яратишга ва тадқиқотларни яратишга рағбатлантириш.<br>Ёшларнинг лойиҳалар, стипендиялар ва грантлардан хабардорлигини ошириш. |
| 67. | Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти, шу жумладан илмий ташкилотлари ва ходимлари, шунингдек мамлакатни илмий-техник ривож-лантиришнинг устувор вазифалари, амалга оширилаётган илмий ва инновацион лойиҳалар | 2010 йил | Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқ-лаштириш қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, | 50,0 | Фан ва технологиялар жамғармаси маблағлари, БМТТД | Ёш олимларнинг давлат илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашиши, фан ва иқтисодиёт тармоқларини юқори мала-кали ёш олимлар ва мутахассис кадрлар билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | тўғрисидаги ахборотлар мавжуд бўлган веб-сайт яратиш, улардан ёш олимларнинг фойдаланишини таъминлаш. | | Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Технологиялар трансфери агентлиги, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази | | | |
| ***8.2. Ижодкор истеъдодларни ҳамда болалар ва ўсмирлар қобилиятини аниқлашга кўмаклашиш*** | | | | | | |
| 68. | 51 та болалар мусиқа ва санъат мактабларини янгидан қуриш, мукаммал реконструкция қилиш ва ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш.<br>Тошкент шаҳрида Р. Глиэр номидаги ва В. Успенский номидаги ихтисослаштирилган лицейларни реконструкция қилиш.<br>Тошкент шаҳрида мусиқа коллежи қуриш. | 2010 йил III чорак | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси | 59607,0<br>10100,0<br>4000,0 | Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси<br>Бюджет маблағлари<br>Бюджет маблағлари | Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг замонавий моддий-техника базасини ривожлантириш ва шакллантириш.<br>Ёшларни миллий ва жаҳон мусиқа ва тасвирий санъатининг юксак намуналарига кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш. |
| 69. | Қуйидагиларда:<br>Наманган шаҳрида;<br>Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида;<br>Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус ва Тахиатош шаҳарларида Ёшлар марказлари ташкил этиш. | 2010 йил III чорак<br>2010 йил IV чорак<br>2010 йил II-III чорак | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Ўзкимёсаноат» ДАК, Наманган вилояти ва Наманган шаҳри ҳокимликлари, Сирдарё, Сурхондарё, Навоий вилоятлари ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши | 1650,0<br>Лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ<br>5000,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши лойиҳаси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 августдаги ПҚ–1170-сон қарорини бажариш юзасидан).<br>Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, ёшларда миллий ғурур ва миллий қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғуларини тарбиялаш. |
| 70. | Тошкент шаҳрида «Томоша» болалар театр-студияси учун бино ажратиш, уни таъмирлаш ва жиҳозлаш. | 2010 йил IV чорак | Алоқабанк, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбектеатр» ижодий бирлашмаси, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | 500,0 | Ҳомийлар маблағлари | Иқтидорли ёш актёрлар фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 71. | Республика болалар мактабгача муассасаларини болаларда моторикани, мантиқий фикрлашни ва интеллектуал қобилиятларни ривожлантирадиган мантиқий интеллектуал ўйинлар комплектлари, шу жумладан электрон комплектлар (конструкторлар, мантиқий ўйинлар) билан босқичма-босқич таъминлаш. | 2010 йил 1 мартдан бошлаб, ҳар йили | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги | 3 000,0 | Бюджет маблағлари | Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг қўшма буйруғи.<br>Мактабгача ёшдаги болаларнинг интеллектуал даражасини ошириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 72. | 12 — 18 ёшдаги болалар ва ўсмирлар учун болаларнинг фан ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан қулай шаклда хабардор бўлишига йўналтирилган «XXI аср технологиялари» журналини ва «Ёшлар» каналида шу номдаги ҳафталик телекўрсатувларни ташкил этиш. | 2010 йилдан бошлаб мунтазам | Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Турин политехника университети, «Ўзавтосаноат» АК, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, НКМК, ОКМК, «Ўзбекистон почтаси» АЖ, «Матбуот тарқатувчи» АК, МТРК | 100,0 | Бюджет, бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг журнални ташкил этиш ва ёйиш чора-тадбирлари комплексини тасдиқлаш ҳақидаги қарори.<br>Ҳар бир мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, мактабдан ташқари таълим муассасаси харажатлари сметасига журналнинг бир нусхасига обуна бўлиш учун маблағларни киритиш. |
| 73. | Қуйидагиларни:<br>«Алгоритм» болалар оромгоҳи базасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшлар оромгоҳини; | 2010 йил | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси | 3 000,0 | «Камолот» ЁИҲ маблағлари | Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши лойиҳаси.<br>Яратувчилик меҳнат фаолиятига тайёр бўлган ижодкор шахсни тарбиялаш ва камолга етказиш. |
| | Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида иқтидорли ёшлар учун ёзги ва қишки ўқув оромгоҳлари ташкил этиш. | 2010 йил III чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари | 300,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчиларнинг биргаликдаги қарори.<br>Интерактив дастурларни амалга ошириш ва ушбу ишга тажрибали мутахассисларни жалб этиш йўли билан ёшларга қўшимча билимлар бериш, уларнинг интеллектуал савиясини ривожлантириш. |
| 74. | Болалар ва ёшларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятини ривожлантириш бўйича қуйидаги танловларни ўтказиш:<br>6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали;<br>«Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танлови;<br>болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг академик мусиқа асбоблари ва эстрада ижодкорлиги бўйича республика танлови;<br>М. Турғунбоева номидаги ёш раққосалар танлови;<br>«Ниҳол» республика мукофотига ижодкор ёшларни танлаш; | 2010 йил, танловлар ўтказиш графигига мувофиқ | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Форум жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, | 1155,0, улардан:<br>500,0<br>50,0<br>200,0<br>17,0<br>85,0 | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Болалар ва ёшларда ижодкорлик истеъдоди ва қобилиятини аниқлаш учун шарт-шароитлар яратиш.<br>Санъат, маданият ва журналистиканинг турли йўналишлари бўйича истеъдодли болалар ва ёшларни тақдирлаш ва рағбатлантириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | «Дебют-2010» ёш режиссёрлар кўрик-танлови;<br>«Тошкент қувончи», «Мафтункор ранглар олами» (ногирон болалар учун) болалар расмлари халқаро танлови, «Мен Сизни биламан» фототанлови, «Ўзбекистон санъати ёшлар нигоҳида» анъанавий анжуманини ўтказиш ҳамда китоблар шаклида материаллар нашр этиш;<br>«Тасвирий санъат+5» ҳафталиклари;<br>«Очиқ осмон остида» ҳайкаллар кўргазмалари;<br>«Навқирон Ўзбекистон» анъанавий фестивали;<br>«Ёшлар парвози» медиа-фестивали. | | «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Ўзбекистон нодавлат ва нотижорат ташкилотлар миллий уюшмаси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Бадиий академия, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Ўзбекрақс» бирлашмаси, «Ўзбекнаво» ЭБ, «Ўзбектеатр» бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 70,0<br>108,0<br>35,0<br>25,0<br>50,0<br>15,0 | Бадиий академия маблағлари<br>Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | |
| 75. | «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг махсус мукофотини таъсис этиш ҳамда эстрада йўналиши бўйича иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларни мукофотлаш маросимини ўтказиш.<br>Халқаро ва республика танловларидаги муваффақиятлари учун «Тасанно» ёш ижрочиларининг тақдирлаш тақдимотини ўтказиш. | 2010 йил III чорак<br>2010 йил декабрь | «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси», Маданият ва спорт ишлари вазирлиги<br>Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | 70,0, шу жумладан: 10,0<br>60,0 | «Ўзбек-наво» эстрада бирлашмаси маблағлари<br>Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маблағлари | Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буйруғи.<br>Республиканинг ёш ижрочиларини халқаро ва республика танловларидаги муваффақиятлари учун тақдирлаш ва рағбатлантириш. |
| 76. | Республика ва хорижий маданият, фан ва санъат соҳасидаги таниқли арбоблар иштирокида ёшлар билан иш олиб боришда «мастер-класс»лар ўтказишнинг мавжуд амалиётини кенгайтириш.<br>Иқтидорли ёшлар, фестиваллар ғолибларининг республика ҳамда нуфузли халқаро танловлар, фестиваллар ва ижодкорлик мактабларида қатнашишини таъминлаш. | Ҳар йили жадвалга асосан | «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Бадиий академия, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Форум жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | 517,0, шу жумладан 17,0<br>500,0 | Бадиий академия, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари<br>Бюджет ва ҳомийлар маблағлари | Ёшларнинг касбий-ижодий савиясини ошириш, ижодкор ёшларни ўқитишда илғор халқаро ютуқлардан фойдаланиш.<br>Ўзбек ижрочилик санъатини халқаро саҳналарда тарғиб қилиш. |
| **IX. Ёш оилалар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш** | | | | | | |
| 77. | Никоҳда туришганига камида 3 йил бўлган ёш оилаларни уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари билан таъминлаш. | 2010 йил | Марказий банк, «Қишлоққурилиш-банк», «Ипотекабанк», тижорат банклари | 115 000,0 | Тижорат банклари маблағлари | Ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш. |
| 78. | 2010-2011 йиллар мобайнида Нукус шаҳрида, ҳар бир вилоят марказида ва Тошкент шаҳрида, шу жумладан фойдаланилмаётган бинолар, ётоқхоналар ва бўш турган хоналар базасида ёш оилаларга, кейинчалик сотиб олган ҳолда, 32 тадан квартира ижарага берилишини ташкил этиш. | 2010-2011 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат мулки қўмитаси, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси | 7000,0 | Маҳаллий бюджетлар ва ҳомийлар маблағлари | Ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш.<br>Давлат мулкидан самарали фойдаланишни таъминлаш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 79. | ФХДЁ органларини ривожлантириш тадбирлари режасини амалга оширишни давом эттириш доирасида республика минтақаларида 42 та «Бахт уйи» замонавий комплексларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш. | 2010-2011 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Адлия вазирлиги | 11700,0, ундан 10600,0 — Адлия вазирлиги маблағлари | Адлия вазирлиги, ҳокимликлар ва ҳомийлар маблағлари | Никоҳдан ўтиш маросимларини тантанали ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 80. | Бюджет маблағлари ҳисобига:<br>ҳомиладорлик ва туғруқлар, бола туғилгандаги нафақаларни;<br>болаларни (2 ва 18 ёшгача) парвариш қилиш бўйича нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тўловларини таъминлаш йўли билан ёш оилалар тўғрисида ғамхўрликни янада кучайтириш. | Ҳар доим | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари | 1 185 184,7, улардан:<br>139689,9<br>1045494,8 | Бюджет маблағлари | Ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш. |
| 81. | Қуйидагиларни:<br>1-синф ўқувчиларини ўқув анжомлари тўплами;<br>кам таъминланган оилалардан мактаб ўқувчиларини қишки кийим тўплами билан бепул таъминлаш йўли билан оилаларга ёрдамлашиш. | 2010 йил III-IV чораклари | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 32 447,0 | Бюджет маблағлари | Ўқувчиларни аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш. |
| 82. | Республиканинг ҳар бир тумани (шаҳри)да 10 та кам таъминланган оилага тўй ва оилавий тантаналарни ўтказишда кўмаклашиш. | 2010 йил | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Адлия вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати | 2000,0 | Ҳомийлар маблағлари | Бажарувчилар тадбирларининг биргаликдаги режаси.<br>Кам таъминланган оилаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш. |
| 83. | Мукаммал ва жорий таъмирлаш, шунингдек уларни замонавий мебеллар билан жиҳозлаш йўли билан болалар мактабгача муассасалари (болалар боғчалари)нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш | 2010 йил | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 12 000,0 | Бюджет ва ҳомийлар маблағлари | Соғлом авлодни шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш. |
| 84. | Республиканинг ҳар бир туманида камида 50 та кам таъминланган ёш оилага бир бошдан қорамолни бепул ажратиш. | 2010 йил | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси | 5000,0 | Ҳомийлар ва бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг биргаликдаги қарори.<br>Ёш оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш. |
| 85. | Ёшлар ўртасида оилавий қадриятларни тарғиб қилиш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш:<br>биргаликда яшаётганига 5 йил, 10 йил, ва 25 йил бўлган аҳил ва бахтли оилалар тўғрисида | 2010 йил | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, | 60,0 | Бажарувчиларнинг маблағлари | Бажарувчиларнинг оилавий қадриятларни ёшлар ўртасида тарғиб қилиш бўйича комплекс тадбирлари.<br>Танловлар ўтказиш жадвали. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳикоя қилувчи «Ибратли оила» телекўрсатувлари;<br>ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тўғрисидаги «Сиз оилага масъулсиз», «Ёш оиланинг турмуш маданияти» номли буклетлар, рисолалар, плакатлар, мақолалар ва ижтимоий роликлар тайёрлаш;<br>соғлом, аҳил ва бахтли оила нуфузини ошириш тўғрисида бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмлар яратиш, янги спектакллар саҳналаштириш;<br>ёш оилалар учун «Ёш оила энциклопедияси» қомусини нашр этиш, унда мустаҳкам оила қуриш, бола туғилиши ва уни тўғри тарбиялаш, шунингдек аҳил оила барпо этишнинг бошқа жиҳатлари тўғрисидаги мақолаларни тушунарли шаклда эълон қилиш. | | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Аёллар кенгаши» РЖБ, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари | | | |
| **X. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик марказлар ҳамда паст савияли «оммавий маданият» иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдидидан муҳофаза қилиш** | | | | | | |
| 86. | Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантиришга, ўз соғлиғига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга, соғлом оила қарор топтиришни тарғиб қилишга, шунингдек қуйидагиларга йўналтирилган «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда» комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш:<br>ҳар бир таълим муассасасида гиёҳвандликка қарши курашиш халқаро ойлигини, «Биз-гиёҳвандликка қаршимиз» ёшлар фестивалларини ўтказиш;<br>«Соғлом турмуш тарзи — ёшларни уйғун камол топтириш гарови» махсус таълим-маърифат сайтини ташкил этиш;<br>таълим муассасалари учун соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи кўргазмали воситалар ишлаб чиқариш ва улар билан таъминлаш;<br>ОИВ инфекциясининг тарқалишига кўмаклашувчи зарарли ижтимоий ҳодисаларни бартараф этишга йўналтирилган роликлар ва плакатларни миллий анъаналар ва қадриятларни ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш ҳамда уларни ёшлар ўртасида тарқатиш; | 2010 йил, алоҳида жадвал бўйича | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан», «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ойдин ҳаёт» маркази, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, | 100,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тадбирларнинг комплекс дастури.<br>Ёшларда соғлом турмуш тарзига, соғлом оила қарор топтиришга, ОИВ инфекциясини олдини олишга, тамаки чекиш, алкоголли ичимликлар ичиш, гиёҳвандлик ва ахлоқсизликдан воз кечишга интилишни шакллантириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ёшлар ўртасида тамаки чекиш, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш, гиёҳвандлик, ахлоқсизликнинг зарарли оқибатлари тўғрисидаги энг яхши роликлар ва плакатлар учун танловлар ташкил этиш;<br>«Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда» шиори остида шоу-концертлар ташкил этиш. | | МТРК, Ички ишлар вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, «Тасвирий ойина» | | | |
| 87. | Қуйидагиларни реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш: | | | | | |
| | Қорақалпоғистон Республикасидаги Тахтакўпир тумани маданият уйи; | 2010 йил | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, | 800,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Аҳолининг, шу жумладан ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш. |
| | Қашқадарё вилояти Косон туманидаги «Нурафшон» кинотеатри; | | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги | 800,0 | «Косонёғэкстракция, ОАЖ, «Косонпахтатозалаш» ОАЖ | |
| | Наманган шаҳридаги «Бобур» маданият ва истироҳат боғи; | 2010 йил II чорак | Наманган вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати | 2000,0 | Ҳомийлар маблағлари | |
| | Наманган шаҳридаги «Камолот» маданият ва истироҳат боғи, очиқ сузиш ҳавзаси ва спорт зали қурган ҳолда; | 2010 йил II чорак | Наманган вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати | 6000,0 | Ҳомийлар маблағлари | |
| | Нукус шаҳридаги маданият ва истироҳат боғи; | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, | 1000,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | |
| | Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги маданият ва истироҳат боғи; | | | 500,0 | | |
| | Қўқон шаҳридаги «Ўрда» майдони, туташган боғ билан бирга, фавворалар тизимини реконструкция қилиш, сервис корхоналари ташкил этиш, замонавий аттракционлар ўрнатиш билан биргаликда; | | Фарғона вилояти ҳокимлиги | 6140,0 | Бюджет, ҳомийлар ва инвесторлар маблағлари | |
| | Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги маданият ва истироҳат боғи. | 2010 йил | Самарқанд вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати | 1000,0 | Бажарувчилар ва «Ўзметкомбинат» маблағлари | |
| 88. | Телесериаллар тайёрлаш ва ток-шоу ёзиш, шунингдек юқори сифатли студия спектакллари, пьесалар ва концерт дастурлари тайёрлаш учун 4 та замонавий студияга эга бўлган МТРК медиамарказини қуриш ва жиҳозлаш. | 2010-2011 йиллар мобайнида | МТРК, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Молия вазирлиги | 43000,0<br>12400 минг евро | Бюджет ва бажарувчилар маблағлари<br>Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари | Замонавий медиатехнологиялар, тегишли замонавий талабларга мувофиқ бўлган Лентасиз ёзиб олишнинг рақамли технологияларини қўллаган ҳолда «Юқори аниқлик» (HD) форматидаги теледастурларни ёзиб олиш асосида қўшимча равишда 200 соатдан ортиқ давом этадиган телесериаллар ва 430 соатли ток-шоу ишлаб чиқариш таъминланади. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Навоий вилояти телерадиокомпанияси биносини фойдаланишга топшириш. | 2010 йил I чорак | Навоий вилояти ҳокимлиги | 1000,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Вилоят аҳолиси учун телекўрсатувлар сифатини яхшилаш. |
| 89. | Қуйидагиларни янгидан яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш:<br>ижодкорликнинг замонавий технология-лардан фойдаланган ҳолда, ўзбек халқ эртак-лари, достонлари сюжетлари асосида болалар ва ёшлар учун 10 та мультипликацион ва 4 та бадиий фильм;<br>ўзбек халқининг бой тарихи, миллий анъаналари, Ватанимиз атоқли кишиларининг ватанпарварлиги, ҳаёти ва ижоди тўғрисида 6 та миллий сериал ва 6 та ҳужжатли фильм;<br>болалар ва ўсмирлар учун камида 3 та миллий компьютер ўйинлари;<br>«оммавий маданият»нинг зарарли оқибат-ларини очиб берувчи медиалойиҳалар ва мақолалар;<br>халқимизнинг шонли ўтмиши ва мустақил Ўзбекистоннинг замонавий ютуқларига бағиш-ланган саҳна асарларидан иборат бўлган қў-ғирчоқ ва ёш томошабинлар театрлари репертуарлари. | Тасдиқлан ган жадвал бўйича | «Ўзбеккино» миллий агентлиги , Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, МТРК, ЎзА, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекфильм» ОАЖ, «Ўзбектеатр» бирлашмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази | 5000,0 | Бюджет ва бажарувчилар маблағлари | Ёшларнинг эстетик эҳтиёжларини янгилаш ва ғоявий-ахлоқий жиҳатдан такомиллаш-тириш, паст савияли «оммавий маданият»нинг сохта қадриятларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш. |
| 90. | Мактабгача, кичик ва катта мактаб ёшидаги болалар учун қуйидагиларни тайёрлаш ва намойиш этишни назарда тутувчи телекўрсатувларнинг махсус рукнини ташкил этиш:<br>энг кичик болалар учун ўргатиш — кўнгил очар дастурлар;<br>жисмоний тарбия-соғломлаштириш мавзуи-да ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича кўрсатувлар;<br>Ўзбекистоннинг тарихий меросини, ҳайво-нот ва ўсимликлар дунёсини очиб берувчи кўрсатувлар;<br>ўқувчиларни фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари билан таништириш бўйича махсус телекўрсатувлар. | 2010 йилнинг 1 апрели-дан бошлаб ва доимий равишда | МТРК, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Халқ таълими вазирлиги | 400,0 | Бюджет маблағлари | Телекўрсатувларни ташкил этиш чора-тадбирлари комплекси.<br>Ёш оилаларга маънавий бой ва жисмоний соғлом болаларни тарбиялашда кўмаклашиш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 91. | 2010 — 2015 йилларда қуйидагиларни тайёрлаш ва нашр этиш дастурини тасдиқлаш:<br>болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашга йўналтирилган жаҳон ва ўзбек адабиёти классикларининг асарлари, уларни лотин графикасида китоб ва электрон шаклларда нашр этиш;<br>болалар учун ўзбек халқининг буюк мутафаккирлари ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги расмли китоблар, ўтган авлодларимизнинг маънавий жасоратлари, қаҳрамонликлари тўғрисидаги буклетлар, рисолалар, плакатлар ва мақолалар;<br>ота-оналар ва мураббийлар учун «Тарбия» илмий-оммабоп қомуси;<br>ёшлар учун Ўзбекистоннинг барча тарихий ёдгорликлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган китоб-каталоглар;<br>Ўзбекистоннинг жамоатчилик ташкилотлари томонидан талантли ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳикоя қилувчи «Келажакка интилиш», «Келажак бугундан бошланади» расмли китоб-альбом. | Ишлаб чиқиш — 2010 йил I чорак, амалга ошириш — йил давомида | Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Оила» маркази, Форум жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ЎзА | 250,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Вазирлар Маҳкамасининг қарори.<br>Болаларнинг тарбиялашга ва маънавий бой ёш авлодни шакллантиришга кўмаклашиш. |
| 92. | Қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда миллий ғоя ва мафкура, мамлакатимиз тарихи мавзулари бўйича веб-ресурсларни янада кенгайтириш:<br>ZiyoNET тармоғи ресурсларини ахборотлар жиҳатидан ривожлантириш ҳамда республика олий ўқув юртлари, лицейлари, коллежлари ва мактабларида «ZiyoNET» тармоғининг имкониятлари ва ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;<br>мамлакатимизнинг етакчи олий таълим муассасаларида минтақа тарихи, археологияси ва этнографиясига бағишланган мавзули сайтларни яратиш;<br>мамлакатимиз тарихи мавзулари, ахборот-коммуникация технологиялари, миллий ғоя, илм-фан бўйича, шу жумладан оммавий ахборот воситалари расмий сайтлари негизида электрон совринли викториналар, тестлар ташкил этиш; | 2010 йил | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, ТАТУ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Форум жамғармаси, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот хизматлари | 50,0 | Бажарувчилар-нинг маблағлари | Ўқув жараёнида ахборот билан таъминлашни янада ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.<br>Олий таълим муассасалари ҳузурида мавзули веб-сайтлар яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек режа-жадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда уларни Интернет тармоғига жойлаштириш.<br>Ушбу чора-тадбир ўқув юртларининг ресурслардан кенг фойдаланишини, ўқув ва тадқиқот материаллари билан алмашишни, ёшларнинг республиканинг бой мероси тўғрисида хабардорлигини оширишни таъминлайди. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | фуқароларни янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини муҳокама қилишга кенг жалб этиш учун мавзули анжуманларни янада ривожлантириш. | | | | | |
| 93. | Ёш мутахассисларни уларда ишлаш учун кенг жалб этишга йўналтирилган минтақавий ёшлар теле-радиостудиялари, матбуот марказлари ва матбуот нашрларини янада ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2010 йил | Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Бунёдкор» телеклуби | 300,0 | Бажарувчилар, ҳомийлар маблағлари ва бошқа манбалар | Тадбирлар комплекси.<br>Ёш истиқболли журналистларни жалб этиш ҳисобига минтақавий оммавий ахборот воситалари ижодий салоҳиятини ошириш. |
| 94. | Аҳоли кенг доирасини, энг аввало, болалар ва ўсмирларнинг маданий — тарихий меросдан фойдаланиш ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш, шу жумладан:<br>унга мувофиқ давлат музейларига кириш 18 ёшгача бўлган болалар учун бепул бўлган тартибни жорий этиш;<br>Ўзбекистон музейлари тўғрисида телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва мақолалар туркумларини тайёрлаш. | 2010 йил февраль<br><br>2010 йил | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, МТРК, Молия вазирлиги, «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 420,0 | Бюджет ва ҳомийлар маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси қарори.<br>Болалар ва ўсмирларнинг ўз мамлакати тарихи, маданияти соҳасидаги билимлари даражасини ошириш. |
| 95. | Қатъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатиладиган таъсирларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган, қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш:<br>миллий мустақил тафаккурни, юз бераётган ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ахлоқий маданиятни ва Интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш, паст савияли «оммавий маданият»нинг кириб келишига қарши курашиш;<br>ёшлар томонидан тарихий, маданий қадриятларни, авлодларимизнинг ижодий меросини ўзлаштириш; | Ишлаб чиқиш — 2010 йил март, амалга ошириш — тасдиқланган жадвалларга мувофиқ | Республика маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Оила» маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, | 1500,0 | Бажарувчиларнинг маблағлари | Бажарувчиларнинг келишилган тадбирлари комплекси.<br>Учрашувлар, давра суҳбатлари, суҳбатлар, мунозаралар, викториналар, тушунтириш тадбирлари ўтказиш жадвали.<br>Ўсиб келаётган маънавий бой авлодни тарбиялаш.<br>Интернет-клублар фаолияти тўғрисидаги низомни такомиллаштириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ёшларни зарарли ва маданиятимизга, анъаналаримизга ва дунёқарашимизга ёт бўлган, Интернет каналлари орқали келаётган материаллардан муҳофаза қилиш мақсадида Интернет-клублар фаолиятига талабларни ошириш;<br>маҳаллаларда аҳоли ва ёшлар билан терроризмга ва диний экстремизмга қарши курашишга бағишланган учрашувлар ўтказиш. | | Халқ таълими вазирлиги, Форум жамғармаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги | | | |
| 96. | Қуйидаги мавзуларда семинарлар, ижодий кечалар, «давра суҳбатлари», савол-жавоб кечалари, шунингдек илмий-амалий конференциялар ташкил этиш:<br>«Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш — баркамол авлод пойдеворидир»;<br>«Ёшларни ғоявий таҳдид ва паст савияли «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилишнинг илмий-методик масалалари тўғрисида». | 2010 йил<br><br>2010 йил октябрь<br>2010 йил май | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ойдин ҳаёт» маркази, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика маънавият тарғибот маркази, «Оила» маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази | 100,0 | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг қарори.<br>Ўсиб келаётган авлодни ахлоқий тарбиялаш.<br>Соғлом турмуш тарзи, ёшларни гиёҳвандликдан, ахлоқсизликдан, четдан кўрсатиладиган зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. |
| 97. | Қуйидаги йўналишлар бўйича кўрик-танловлар ташкил этиш ва ўтказиш:<br><br>«Менинг маҳаллам тарихи» — ёшлар ўртасида ўз маҳалласи тарихининг энг яхши билимдони танлови;<br>«Оналар куйлаганда» — ёш оналар ўртасида халқ қўшиқлари, мақомлари, аллалар ва шу кабиларнинг энг яхши ижрочиси танлови;<br>«Дўппимнинг ипаклари тиллодан» — ҳунарманд қизлар ўртасида, минтақаларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, энг яхши дўппи тикиш бўйича танлов. | 2010 йил, тадбир-ларни ўтказиш жадвалига мувофиқ | Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Ҳунарманд» уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, «Маҳалла» жамғармаси, | 50,0 | Бажарувчилар маблағлари | Маънавий-маърифий фаолиятга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш, ёшларда миллий анъаналарга, қадриятларга ҳурмат ва муҳаббатни, ёт ғоялар таъсирларига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш.<br>Ёшларда ёши улуғларга, Ватанимиз тарихига, миллий анъаналарга ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни шакллантириш.<br>Миллий анъаналарни, халқ ҳунармандчилиги мерос бўлиб ўтишини сақлаш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбектеатр» ижодий бирлашмаси | | | |
| 98. | Республика ва халқаро ёшлар туризмини ривожлантиришга йўналтирилган, айниқса кам таъминланган оилалардаги ёш авлоднинг ҳордиғи ва дам олишини таъминлашни, шунингдек халқаро туризм ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликни назарда тутувчи тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | Ишлаб чиқиш — 2010 йил I чорак, амалга ошириш — йил мобайнида | «Ўзбектуризм» МК, «Келажак-тур» бюроси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Форум жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 100,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Ўсиб келаётган авлоднинг билимлари ва қизиқишлари даражасини ошириш, ёшлар туризмини ривожлантириш.<br>Халқаро туризмни айирбошлашни ривожлантириш йўли билан республиканинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш. |
| **XI. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мақсади, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида оммавий ахборот-тушунтириш ишларини тизимли асосда ташкил этиш** | | | | | | |
| 99. | Аҳолининг барча қатламлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мақсади, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида кенг тушунтириш ишларини қуйидаги йўллар билан ташкил этиш:<br>ҳар бир корхона ва ташкилотда, таълим муассасасида, маҳаллаларда конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ва муҳокама этишнинг бошқа шаклларини ўтказиш;<br>ёш авлодни ҳар томонлама камолга етказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларни ҳар бир кишининг эътиборига етказиш учун оммавий ахборот воситалари, айниқса, телекўрсатувларнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланиш; | 2010 йилда, доимий равишда | Вазирликлар ва идоралар, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Камолот» ЁИҲ, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, МТРК, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда бошқа нодавлат, нотижорат ташкилотлар, корхона ва ташкилотлар | 100,0 | Бажарувчиларнинг маблағлари | Қуйидагиларни:<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасини, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ўз ичига олган «Баркамол авлод» рисоласини 15 минг нусхада;<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Келажак — ёшлар қўлида» асарлари тўпламини 5,0 минг нусхада;<br>«2010 йил — Баркамол авлод йили» рангли плакатини 3,0 минг нусхада нашр этиш.<br>Тегишли ташкилотларнинг веб-сайтларини ташкил этиш ва янгилаб бориш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасини, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ўз ичига олган «Баркамол авлод» рисоласини тайёрлаш ва нашр этиш;<br>«2010 йил — Баркамол авлод йили» плакатлар туркумини ва бошқа кўргазмали матбаа маҳсулотларини нашр этиш;<br>барча давлат органлари, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг веб-сайтларига «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилишига бағишланган махсус «саҳифалар» киритиш. | | | | | |
| 100. | Барча оммавий ахборот воситаларида ёшлар, ёшлар ташкилотлари, иқтидорли ва талантли ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён қилинган мақсад ва вазифаларга эришишдаги ҳақиқий ҳиссасини аниқ мисолларда очиб берадиган «Баркамол авлод — мамлакат келажаги» махсус рукнини ташкил этиш. | 2010 йил I чорак, доимий равишда янгилаб бориш | МТРК, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, оммавий ахборот ташкилотлари | 20,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Манфаатдор ташкилотларнинг биргаликдаги қарори.<br>Аҳоли кенг қатламларини ёшлар ташкилотларининг ва ёшларнинг ҳар томонлама камолга етган ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш ишларига қўшган ҳиссасидан хабардор қилиш, шунингдек ушбу соҳадаги ижобий тажрибани Давлат дастурида қўйилган вазифаларни амалга оширишнинг аниқ мисолларини кўргазмали ва қулай тарзда намойиш этиш йўли билан тарқатиш ва оммалаштириш. |
| 101. | Чет элларда Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари орқали, шу жумладан замонавий ахборот технологиялари, алоқанинг ер сунъий йўлдоши каналларидан фойдаланган | 2010 йил | Ташқи ишлар вазирлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, МТРК, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги | 100,0 | Бажарувчилар маблағлари | Ёш авлодни ҳар томонлама камолга етказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича Ўзбекистон Республикасида кўрилаётган чора-тадбирларни чет элларда оммалаштириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддат-лари | Масъул бажарувчилар | Харажат-лар (млн сўм) | Молиялаш-тириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳолда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида тизимли тушунтириш ишларини олиш бориш. | | | | | |

**2010 йилда Дастур тадбирларини амалга оширишга жами харажатлар: 7898,03 млрд сўм ва 165,43 млн доллар,**
*улардан:*

| | **сўмларда** | **АҚШ долларида (эквивалентда)** |
|---|---|---|
| **Бюджет маблағлари:** | **— 1761,52 млрд сўм** | **— 4,96 млн доллар** |
| **Бажарувчилар маблағлари:** | **— 2742,2 млрд сўм** | **— 17,98 млн доллар** |
| **Банклар кредитлари:** | **— 3324,8 млрд сўм** | **— 61,41 млн доллар** |
| **Ҳомийлар:** | **— 69,49 млрд сўм** | **— 3,73 млн доллар** |
| **Халқаро ташкилотлар ва молия институтлари** | **—** | **— 75,0 млн доллар** |
| **Грантлар** | **— 0,02 млрд сўм** | **— 2,35 млн доллар** |